

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ҚАРОРИ**290 Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида****[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сон Фармониға мувофиқ, шунингдек қонунийликни таъминлаш, жиноятларни ўз вақтида қош этиш, ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини сўзсиз амалға оширишнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида:

1. Жиноятларни тергов қилиш самарадорлигини оширишнинг қуйидаги асосий йўналишларини амалға ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин:

биринчидан, жиноят содир этган ҳар бир шахсға адолатли жазо берилиши ва айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслигини кафолатловчи жиноят-процессуал нормасини қатъий таъминлаш;

иккинчидан, жиноятларни ўз вақтида қош этиш, ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилиш, суриштирув ва дастлабки терговни амалға оширишда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устунлигига, уларнинг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилинишиға сўзсиз риоя қилиш;

учинчидан, суриштирувчи ва терговчиларнинг чинакам процессуал мустақиллигини таъминлаш, уларға нисбатан ноқонуний таъсир кўрсатиш ҳамда фаолиятиға асоссиз аралашишға йўл қўймаслик;

тўртинчидан, суриштирувчи ва терговчиларға юклатилган вазифаларни самарали амалға оширишлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти масалаларини ҳал этиш;

бешинчидан, ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолиятиға илғор криминалистик ва илмий-техник воситаларни, шунингдек ишлашнинг замонавий шакл ва услубларини кенг жорий этиш.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти (кейинги ўринларда — Тергов департаменти) бевосита Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигига ҳисобот берадиган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг мустақил бўлинмаси ҳисобланади;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари тизимига Тергов департаменти, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ҳузуридаги тергов бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги тергов бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), шунингдек транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари ҳузуридаги тергов бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари) киради;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги тергов бошқармаларига тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқ ўринбосарлари бошчилик қилади;

туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) ҳузуридаги жами штатлар сони 10 тадан кам бўлмаган тергов бўлимларига — туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқ ўринбосарлари бошчилик қилади;

тергов бўлинмалари суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш ва амалга ошириш масалаларида юқори турувчи тергов бўлинмаларига ва Тергов департаментига, ички ишлар органларида хизматни ўташ масалаларида эса — тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), шунингдек транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари бошлиқларига бўйсундилар ва ҳисобот берадилар;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятига аралашиш, шунингдек уларнинг ходимлари томонидан ўз ваколатларини амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир кўрсатиш ҳамда уларнинг бажарилиши шарт бўлган қарорларини бажармаслик конунда ўрнатилган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади;

Тергов департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги тергов бошқармаларининг терговчилари лавозимига тайинлаш терговчи сифатида уч йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган тақдирда амалга оширилади;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари суриштирувчилари, терговчилари ва бошлиқларига нисбатан жиноят ишлари Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан, Тергов департаментининг терговчилари, бўлинма бошлиқлари ва бошлиғига нисбатан эса — Ўзбекистон

Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан қўзғатилади.

3. Қўйидагилар ташкил этилсин:

Тергов департаментининг тузилмасида суриштирув ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлими, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси хузуридаги тергов бўлимининг, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари хузуридаги тергов бошқармаларининг тузилмаларида суриштирув ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари);

туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) хузуридаги тергов бўлимлари (бўлинмалари)нинг, транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларининг тузилмаларида суриштирув бўлинмалари (гуруҳлари).

Белгилансинки, суриштирув ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари) ва суриштирув бўлинмалари (гуруҳлари) олий юридик маълумотга эга бўлган ходимлар билан жамланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2017 йил якунлари бўйича суриштирув бўлинмалари (гуруҳлари) иш ҳажмининг таҳлили асосида уларнинг штат бирлигини мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритсин.

4. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Тергов департаменти тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 январга қадар:

ички ишлар органларида сўроқ жараёнини стенография қилиш, видеокузатув, шунингдек тергов ҳаракатларини аудио- ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус хоналар ташкил этилишини;

Тергов департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўртасида видео-конференцалоқа тизими жорий этилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда:

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган махсус малака даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни;

оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этганлик ва тергов қилганлик учун пул мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ташкилотларга

пуллик асосда эксперт-криминалистика фаолияти соҳасида экспертлик, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматларини кўрсатиш, кўрсатилган хизматлар учун келиб тушадиган маблағларни ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда рухсат этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

икки ой муддатда Ўзбекистон Республика Бош прокуратураси билан биргаликда Тергов департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги тергов бошқармаларига биринчи навбатда фош этилмаган оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича жиноят ишларини тергов қилиш юклатилишини назарда тутган ҳолда ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ўртасида жиноят ишларини тақсимлаш мезонларини тасдиқласин;

икки ой муддатда ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини мониторинг қилиш тартибини, бунда уларни рағбатлантириш, юкори лавозимларга кўрсатиш, бошқа тергов бўлинмаларига ўтказишда фойдаланиладиган улар ишини баҳоловчи аниқ мезонларини назарда тутган ҳолда жорий этсин.

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

уч ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарор талабларига мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 апрель,
ПҚ-2898-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги
ПҚ-2898-сонли қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
ҳузуридаги Тергов департаменти тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти (кейинги ўринларда — Тергов департаменти) жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигига асосан жиноятларни ўз вақтида фош этиш, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона тергов қилиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини сўзсиз амалга ошириш, шунингдек ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришни таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг (кейинги ўринларда — ИИВ) мустақил бўлинмаси ҳисобланади.

Тергов департаменти бевосита Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирига ҳисоб беради.

2. Тергов департаменти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазинининг буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Тергов департаменти ўз фаолиятига доир масалалар бўйича ўрнатилган тартибда ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

4. Ички ишлар органлари тергов бўлинмалари тизимига қуйидагилар киради:

Тергов департаменти;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ҳузуридаги тергов бўлими;

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги тергов бошқармалари;

туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспор-

тда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари хузуридаги тергов бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари).

5. Тергов департаменти Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўзининг тўлиқ номи ёзилган муҳри ва бланкасига, штампига эга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан таъсис этиладиган Тергов департаменти фаолиятининг ўзига хос хусусиятини акс эттирадиган рамзига эга бўлиши мумкин.

2-боб. Тергов департаментининг асосий вазифалари ва функциялари

6. Куйидагилар Тергов департаментининг асосий вазифалари ҳисобланади: жиноятларни тергов қилиш амалиётини комплекс ва тизимли таҳлил қилиш, шу жумладан жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон яратадиган шарт-шароитларни аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, жиноятларни ўз вақтида фош этиш, ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилинишини, суриштирув ва дастлабки терговни юритишда қонунийликка сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, шунингдек тергов бўлинмаларининг кадрлар таркибини шакллантириш ва ходимларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларига суриштирув ва дастлабки терговни юритишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек ўта мураккаб, вилоятлараро хусусиятга эга, республикада шов-шувга сабаб бўлган, шу жумладан уюшган жинойий гуруҳлар ва уюшмалар томонидан содир этилган жиноятларни бевосита тергов қилиш;

қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этишнинг шакл ҳамда услубларини янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

7. Зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ Тергов департаменти куйидаги функцияларни амалга оширади:

а) жиноятларни тергов қилиш амалиётини комплекс ва тизимли таҳлил қилиш, шу жумладан жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон яратадиган шарт-шароитларни аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш чораларини кўриш соҳасида;

жиноят ишларини тергов қилиш амалиётини, ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларида суриштирув ва дастлабки терговнинг асосий кўрсаткичларини умумлаштириш, таҳлил қилиш, баҳолаш;

жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон яратадиган шарт-шароитларни аниқлаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларида бошқарув амалиётини ўрганиш, уларнинг фаолиятидаги долзарб муаммоларни ва уларни ҳал этиш йўллари аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ фаолиятини жорий ва истиқболли режалаштиришда, ички ишлар органлари тергов бўлинмалари ривожланишининг асосий йўналишлари концепцияларини ишлаб чиқишда иштирок этиш; тергов бўлинмалари фаолиятининг аҳволи тўғрисида, жиноятларни тергов қилишнинг муаммоли масалалари юзасидан ахборот-таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва тегишли таклифларни Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига киритиш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ваколатига кирувчи масалалари юзасидан ҳисобга олиш, маълумотлар базаси, ахборот тизимларини шакллантириш ва юритишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

ижобий хорижий ва миллий иш тажрибасини, суриштирув ва дастлабки терговнинг замонавий воситалари, шакллари, усуллари ва тактик услубларини ўрганиш ва амалий фаолиятга жорий этиш;

хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича профилактик тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни амалга ошириш;

б) ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, жиноятларни ўз вақтида қош этиш, ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилинишини, суриштирув ва дастлабки терговни юритишда қонунийликка сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, шунингдек тергов бўлинмаларининг кадрлар таркибини шакллантириш ва ходимларнинг малакасини оширишни ташкил этиш соҳасида;

жиноятларни ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилинишини, жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки терговни юритишда қонунийликка сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган тадбирларни комплекс режалаштиришни ташкил этиш ва амалга ошириш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини текширишни ўтказиш, суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этишда аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш ва мазкур чораларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолияти устидан процессуал ва идоравий назоратни амалга ошириш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларида ҳисобга олиш-қайд этиш интизомига риоя этилишини таъминлаш;

жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқишда қонунийликка риоя этилиши бўйича ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини ўрганишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари томонидан дастлабки терговни тўхтатиш, жиноят ишларини тугатишнинг асослигини ўрганиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқиш ва уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш;

жиноят содир этганликда айбланаётган шахсларга ўз вақтида қидирув эълон қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;

худудий ички ишлар органларида тўхтатилган жиноят ишлари ва ашё-

вий далилларнинг сақланишини, шунингдек уларнинг ҳисоби тўғри юритилаётганини назорат қилиш;

суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширишда ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни ташкил этиш ва таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органларидан келиб тушган жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги сўровлари ижросини ташкил этиш, шунингдек худди шундай сўровларни хорижий давлатларнинг ваколатли органларига юбориш;

хорижий давлатларнинг ваколатли органларига жиноий таъқибни амалга ошириш мақсадида жиноят ишларини ўрнатилган тартибда юбориш, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари томонидан юборилган жиноят ишларининг тергов қилинишини таъминлаш;

жиноят-процессуал қонунчилигининг Ўзбекистон Республикасининг жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик масалаларига оид қисми талаблари ижросини таъминлаш;

жиноятларни тергов қилишда ахборот-таҳлил, криминалистика ва тезкор-маълумотлар тизимидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

қуйи бўғинлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш, маълумотлар базасини шакллантириш, тергов ҳаракатларини амалга ошириш, далилларни тўплаш мақсадида ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг амалиётига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларида ишлашга касбий тайёргарлиги, ахлоқий-психологик, иродали ва маънавий фазилатларга эга бўлган кадрларни танлаб олишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимлари ўртасида хизмат интизومي ва қонунийлик бузилиши ҳолатларининг олдини олиш борасида ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш, уларга нисбатан хизмат текширувларини ўтказиш, текширув натижалари бўйича тегишли чоралар кўриш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш, ходимлар касбий тайёргарлигининг юқори даражасини таъминлаш учун ўқитишнинг замонавий технологиялари ва усулларидан кенг фойдаланиш;

в) ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек жиноятларни тергов қилишда соҳасида:

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолияти устидан ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларига жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш бўйича услубий ва бошқа материалларни ишлаб чиқиш;

ўта мураккаб, вилоятлараро хусусиятга эга, шов-шувга сабаб бўлган, шу

жумладан уюшган жиноий гуруҳлар ва уюшмалар томонидан содир этилган жиноятларни бевосита тергов қилиш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларига суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш ва ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш, алоҳида тоифадаги жиноят ишларини назоратдаги иш юритувини олиб бориш;

ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш борасидаги фаолияти самарадорлигини таҳлил ва мониторинг қилиш, уни янада ошириш борасида чоралар ишлаб чиқиш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича таҳлилий материаллар, шунингдек суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар тайёрлаш;

суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш масалалари бўйича услубий ва бошқа материалларни ишлаб чиқиш ва ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларига тарқатиш;

г) қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этишнинг шакл ҳамда услубларини янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

суриштирув ва дастлабки тергов масалаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини бевосита ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Тергов департаменти фаолияти масалаларига доир Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, шунингдек идоралараро ҳужжатлар ва келишувлар лойиҳаларини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ манфаатдор бўлинмалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Тергов департаменти фаолияти масалаларига доир Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан ҳулосаларни тайёрлаш ва тайёрлашда иштирок этиш.

Тергов департаменти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Тергов департаментининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

8. Тергов департаменти зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ бўлинмаларидан, бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан бошқарув қарорларни қабул қилиш, ахборот-таҳлиллар ва ҳисобот маълумотларини тайёрлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни (уларнинг нусхаларини), маълумотлар ва бошқа материалларни сўраш ва олиш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ҳужжатлари ва материаллари билан танишиш, уларнинг ижроси юзасидан зарур бўлган маълумотларни олиш;

бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳайъатида ва тезкор йиғилишларда кўриб чиқилиши учун ахборот-таҳлиллар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси ИИВ тегишли хизматларини ўрнатилган тартибда жалб этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларига, мансабдор шахсларга кiritиладиган жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон яратадиган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни тайёрлаш;

терговга қадар текширув материаллари ва жиноят ишлари юритуви бўйича жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини чақириш, улардан тушунтиришлар, ҳужжатлар, уларнинг нусхаларини олиш, шунингдек узрсиз сабабларга кўра келишдан бўйин товлаётган шахсларни ўрнатилган тартибда мажбурий келтириш;

қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тергов ҳаракатларини олиб бориш, уларни юритишга мутахассислар ва экспертларни жалб этиш, илмий-техник воситалардан фойдаланиш;

қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ички ишлар органларининг бошқа бўлинмаларидан айрим тергов ҳаракатларини ўтказишда кўмаклашишни талаб қилиш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларига юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ички ишлар органларининг маълумотлар базасидан фойдаланиш;

ўз ваколатларига кирувчи масалалар бўйича тезкор-қидирув юритувидаги материаллар, хизмат текширувлари материаллари ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари юритувида бўлган жиноят ишларини ўрганиш учун талаб қилиб олиш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларида қонунийликка ва интизомга риоя этилиши аҳволини текшириш;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари моддий-техник таъминотини яхшилаш, ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича таклифларни киритиш.

Тергов департаменти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Тергов департаменти қуйидаги мажбуриятларга эга:

ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

ўз ваколатлари доирасида жиноятлар фактлари бўйича жиноят ишларини қўзғатиш, суриштирув ва дастлабки тергов давомида қонунийликка сўзсиз риоя этилишини таъминлаш;

зарур ҳолатларда Тергов департаменти ходимларининг ходиса жойига чиқишини таъминлаш;

ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг иш фаолияти ҳақидаги зарур маълумотларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига тақдим этиш;

Тергов департаменти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Тергов департаменти зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

4-боб. Тергов департаменти фаолиятини ташкил этиш

11. Тергов департаментига Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — Тергов департаменти бошлиғи бошчилик қилади.

Тергов департаменти бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Тергов департаменти бошлиғи ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган икки нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга.

12. Тергов департаменти бошлиғи:

Тергов департамент фаолиятига раҳбарлик қилади ва Тергов департаментига юклатилган вазифалар, функциялар ва мажбуриятларини лозим даражада бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади;

жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ процессуал ваколатлардан фойдаланади;

ўзининг ўринбосарлари ўртасида мажбуриятларни тақсимлайди, уларга юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади;

Тергов департаментининг иш режаларини тасдиқлайди;

ўзининг ваколати доирасида ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг барча шахсий таркиби томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар чиқаради ва раҳбариятга фармойишлар лойиҳаларини киритади; жиноятларни тергов қилишда тергов бўлинмаларининг ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари билан ҳамкорлигини мувофиқлаштиради;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, бошқа лавозимга ўтказиш ва касбий тайёрлашни, шахсий таркибини тарбиялашни, хизмат интизомига риоя этишни таъминлайди ва ташкил этади, ўрнатилган тартибда ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига ўрнатилган тартибда Тергов департаменти ходимларига махсус унвонлар бериш, уларни рағбатлантириш, шу жумладан тақдирлаш, уларга нисбатан интизомий жазолар қўллаш ҳақида таклифлар киритади;

Тергов департаменти ходимларини ўрнатилган тартибда хизмат сафарларига юборади;

ўз ваколатлари доирасида Тергов департаменти ходимларига таътил беради;

ўрнатилган тартибда Тергов департаментида сафарбарлик тайёргарлигини таъминлайди ва ташкил этади, шунингдек Тергов департаментда фуқаро муҳофазаси тадбирлари бажарилишини таъминлайди;

Тергов департаментида махфийлик тартиботига риоя этилиши учун жавобгардир;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини бевосита ёки ўзининг ўринбосарлари орқали назорат қилади;

ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича ички ишлар органлари тергов бўлинмалари ходимларининг хатти-ҳаракатлари қонунийлигини, шунингдек ходимлар томонидан ҳар бир аниқланган қонунчилик бузилиши ҳолатларини ўрнатилган тартибда текширилишини таъминлайди;

Тергов департаменти бўлинмаларининг штатлар сонини қайта тақсимлаш тўғрисида таклифлар киритади;

Тергов департаменти ваколатига кирувчи бошқа ваколатларни амалга оширади.

13. Тергов департаменти бошлиғи йўқлигида унинг ваколатлари биринчи ўринбосар томонидан амалга оширилади.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги тергов бошқармаларига тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари бошчилик қилади.

Туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) ҳузуридаги жами штатлар сони 10 тадан кам бўлмаган тергов бўлимларига туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг ўринбосарлари бошчилик қилади.

15. Тергов департаментининг ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ҳузуридаги тергов бўлими бошлиғи ва ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги тергов бошқармалари бошлиқлари, Тошкент шаҳрининг туман ички ишлар бошқармалари (бўлими) ҳузуридаги тергов бўлимлари бошлиқлари, «Тошкент-Марказий» вокзали ва «Тошкент» аэропортида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари ҳузуридаги тергов бўлинмалари бошлиқлари ва ходимлари Тергов департаменти бошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги тергов бошқармалари, Тошкент шаҳрининг туман ички ишлар бошқармалари (бўлими) ҳузуридаги тергов бўлимлари ходимлари, туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) ҳузуридаги тергов

бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари), транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари ҳузуридаги тергов бўлинмалари бошлиқлари ва ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳузуридаги тергов бошқармалари бошлиқларининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

16. Тергов бўлинмалари суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари бўйича юқори турувчи тергов бўлинмаларига ва Тергов департаментига бўйсунди ва ҳисоб беради, ички ишлар органларида хизматни ўташ масалалари бўйича эса — тегишлича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), шунингдек транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари бошлиқларига бўйсунди ва ҳисоб беради.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

17. Тергов департаменти фаолияти устидан назорат Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан амалга оширилади.

Ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг процессуал фаолияти устидан назорат қонун билан белгиланган ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан амалга оширилади.

18. Иш юритиш ва махфийлик тартиботи бўйича тадбирлар Тергов департаменти томонидан мустақил равишда қонунда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги
ПҚ-2898-сонли қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини техник-криминалис-

тик таъминлашни ташкил этадиган ва амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда — ИИВ) марказий аппаратининг бошқарма ҳуқуқидаги таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Марказ тизимида:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика бош маркази;
Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси эксперт-криминалистика маркази;

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ички ишлар бошқармалари эксперт-криминалистика бўлимлари;

туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари эксперт-криминалистика бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари) киради.

4. Марказ Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўзининг тўлиқ номи ёзилган муҳри ва бланкасига, штампига эга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан таъсис этиладиган Марказ фаолиятининг ўзига хос хусусиятини акс эттирадиган рамзига эга бўлиши мумкин.

2-боб. Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини техник-криминалистик жиҳатдан таъминлаш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолиятини ташкилий-услубий жиҳатдан таъминлаш ва мувофиқлаштириш;

ахборот-маълумотлар ва криминалистик ҳисоблар, картотекалар ва коллекцияларни ташкил этиш ва юритиш;

илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини, уларнинг амалий апробациясини ташкил этиш ва ўтказиш, эксперт тадқиқотларини ўтказишни таъминлаш.

6. Зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ Марказ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини техник-криминалистик жиҳатдан таъминлаш соҳасида:

анъанавий криминалистик экспертиза ва тадқиқотлар (дактилоскопик, трасологик, хатшунослик, ҳужжатларнинг техник тадқиқоти, баллистик, совуқ қурол тадқиқотлари, портрет), махсус турдаги экспертиза ва тадқи-

котлар (физик-кимёвий, портлаш техникаси, автотехник, озиқ-овқат, фоно-видеоскопик, электротехник, бухгалтерлик, қурилиш-техник, компьютер технологиялари), шунингдек тегишли мутахассислар ва зарурий техник воситалар бўлганда бошқа турдаги экспертизалар ва тадқиқотларни ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

эксперт тадқиқотлари, шунингдек экспертларнинг тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларида иштирок этиши самарадорлигини ошириш мақсадида ички ишлар органларининг тергов ва тезкор бўлинмалари билан ҳамкорликни амалга ошириш;

тезкор-қидирув ва тергов амалиётининг муайян ашёвий далилларнинг эксперт тадқиқотлари бўйича эҳтиёжларини ўрганиш ва зарур бўлганда янги турдаги экспертизаларни ўтказишни ташкил этиш;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун комиссиян экспертизаларни ўтказишда иштирок этиш, такрорий ва ўта мураккаб экспертизаларни амалга ошириш;

эксперт тадқиқотларини ўтказиш ва тезкор-қидирув тадбирлари ҳамда тергов ҳаракатларини техник-криминалистик жиҳатдан таъминлаш масалалари борасида республика ва хорижий давлатларнинг бошқа экспертиза муассасалари билан ўрнатилган тартибда ҳамкорликни амалга ошириш;

б) ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолиятини ташкилий-услубий жиҳатдан таъминлаш ва мувофиқлаштириш соҳасида:

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва унга услубий раҳбарлик қилиш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш ва амалга ошириш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолиятини ўрганиш, инспекторлик текширувларини амалга ошириш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларига эксперт тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш;

ички ишлар органлари экспертларининг хулосаларини тақриздан ўтказиш, эксперт тадқиқотларини ўтказишда йўл қўйилган хатолар юзасидан шарҳларни тайёрлаш, экспертларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

эксперт тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари юзасидан услубий ва бошқа материалларни ишлаб чиқиш ва ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларига тарқатиш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолияти самарадорлигини таҳлил ва мониторинг қилиш, шунингдек эксперт тадқиқотлари ўтказиш самарадорлигини янада оширишга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқиш;

эксперт тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича ўқув семинарларни ташкил этиш, иштирок этиш ва ўтказиш;

эксперт амалиётига фан ва техниканинг замонавий ютуқларини, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш;

ички ишлар органлари экспертларини фаолиятнинг ўзига хос хусусият-

лари бўйича, шунингдек ички ишлар органларининг бошқа манфаатдор бўлинмалари ходимларини ўқитишни ташкил этиш;

в) ахборот-маълумотлар ва криминалистик ҳисоблар, картотекалар ва коллекцияларни ташкил этиш ва юритиш соҳасида:

жиноий тажовуз объектлари ёки ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида олинган фотосуратлар, видеоёзувлар ва бошқа портрет маълумотларини ташувчи воситалардаги тасвирлар, фотороботлар, субъектив портретлар, бармоқ ва кафт излари бўйича ҳуқуқбузарларни идентификациялаш;

таниб олинмаган мурдаларнинг таниб олиш учун туширилган фотосурати, шунингдек таниб олинмаган мурдаларнинг, руҳий касалликка чалинган ва бошқа сабабларга кўра ўзи ҳақида аниқ маълумотлар бера олмайдиган тирик шахсларнинг дактокарталари бўйича шахсини аниқлаш;

ички ишлар органларининг тезкор ва тергов бўлинмалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг бошқа давлат органлари, илмий муассасалари ва ташкилотлари, ўқув юртлари билан ҳамкорлик асосида шахсни идентификациялаш тизимини такомиллаштиришни таъминлаш;

портловчи моддалар, саноат ва қўлда тайёрланган портлатиш қурилмалари, портлатгичлар (қўзғатиш воситалари), қўлда ясалган портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини тайёрлашда қўлланиладиган материаллар, моддалар ва буюмларнинг ҳисобини, автоматлаштирилган дактилоскопик ҳисобини, шунингдек тезкор вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа турдаги ҳисобларни шакллантириш ва юритиш;

шахсни портрети бўйича идентификациялашнинг автоматлаштирилган картотекасини, автоматлаштирилган мультибиометрик маълумотлар картотекасини, қалбаки пуллар, шу жумладан чет эл валюталари картотекасини, қалбаки ҳужжатлар ва қимматли қоғозлар картотекасини, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, пиротехник буюмлар ва уларнинг таркибий компонентлари бўйича ахборот-маълумот картотекасини, Ўзбекистон Республикаси ва дунёда портловчи материаллардан фойдаланган ҳолда содир этилган террорчилик ҳаракатлари картотекасини, портловчи қурилмаларни тайёрлаш услублари ва махсус маълумотлар картотекасини, шунингдек тезкор вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа турдаги картотекаларни юритиш;

қирқма ўқотар қуролининг излари бўлган ўқ ва гильзалар коллекцияси (ўқ-гильзотека), қуроллар ва уларнинг ўқ-дорилари коллекциясини, шунингдек тезкор вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа турдаги коллекцияларни шакллантириш ва юритиш;

ҳисоблар, картотекалар ва коллекцияларни юритиш самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

эксперт-криминалистика бўлинмаларига криминалистик ҳисоблар, картотекалар ва коллекцияларни шакллантириш ҳамда юритиш масалалари бўйича амалий ёрдам кўрсатиш;

г) илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланма-

ларини, уларнинг амалий апробациясини ташкил этиш ва ўтказиш, эксперт тадқиқотларини ўтказишни таъминлаш соҳасида:

илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларида иштирок этиш ва бевосита бажариш;

эксперт тадқиқотларининг янги услубларини ишлаб чиқиш;

портлатиш қурилмаларини қўллаган ҳолда содир этилган террорчилик ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, уларни олдини олиш ва чек қўйиш борасида таклифлар тайёрлаш;

Марказ ваколатига оид масалалар бўйича илмий-амалий институтлар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

эксперт амалиёти таҳлили асосида тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини илмий-техник воситалар ва услублар билан техник-криминалистик жиҳатдан таъминлашни такомиллаштириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш;

хорижий давлатларда содир этилган террорчилик ҳаракатларида қўлланилган портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари ва портлатиш усуллари бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни тайёрлаш.

Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Марказнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

7. Марказ зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси ИИБ бўлинмаларидан, бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан бошқарув қарорларни қабул қилиш, ахборот-таҳлиллар ва ҳисобот маълумотларни тайёрлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар, маълумот ва бошқа материалларни сўраш ва олиш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларининг ҳужжатлари ва материаллари билан танишиш, уларнинг ижроси юзасидан зарур бўлган маълумотларни олиш;

бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳайъатида ва тезкор йиғилишларда кўриб чиқилиши учун ахборот-таҳлиллар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлашда, Ўзбекистон Республикаси ИИБ тегишли хизматларини ўрнатилган тартибда жалб этиш;

Ўзбекистон Республикаси ИИБ томонидан белгиланадиган тартибда ташкилотларга эксперт-криминалистика фаолияти соҳасида пуллик экспертиза, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматларини кўрсатиш;

ҳисобот даврларига мувофиқ эксперт-криминалистика бўлинмалари ишларининг яқунларини умумлаштириш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида ички ишлар органларининг маълумотлар базасидан фойдаланиш;

ички ишлар органларининг бошқа хизмат йўналишлари бўйича ҳужжат-

ларнинг Марказ ваколатига кирувчи масалаларга оид қисмини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Марказ фаолияти масалалари бўйича хизмат текширувлари материаллари ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларида қонунийликка ва хизмат интизомига риоя этилиши аҳволини текшириш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимлари томонидан аниқланган қонунийликни ва хизмат интизомини бузиш ҳолатлари бўйича тегишли чоралар кўриш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларини моддий-техник таъминотини яхшилаш, ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш.

Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Марказ қуйидаги мажбуриятларга эга:

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида зарурий чораларни кўриши;

зарур бўлган ҳолатларда ходиса содир бўлган жойда эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимларининг иштирокини таъминлаш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари ишлари ҳақидаги зарур бўлган маълумотларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига тақдим этиш.

Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Марказ зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

4-боб. Марказ фаолиятини ташкил этиш

10. Марказга Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан ўрнатилган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бошлиқ бошчилик қилади.

Марказ бошлиғи Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан ўрнатилган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган уч нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга.

11. Марказ бошлиғи:

Марказ фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади ва Марказга юкланган вазифалар, функциялар ҳамда мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади;

ўзининг ўринбосарлари ўртасида функционал мажбуриятларини тақсимлайди, уларга юкланган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади;

Марказнинг иш режаларини тасдиқлайди;

ўзининг ваколати доирасида ички ишлар органлари томонидан эксперт-криминалистика бўлинмаларининг барча шахсий таркиби томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар чиқаради ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига фармойишлар лойиҳасини киритади;

эксперт-криминалистика фаолиятини амалга оширишда ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари билан ҳамкорликни мувофиқлаштиради;

кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, бошқа лавозимга ўтказиш, касбий тайёргарлиги, хизмат интизомига риоя этилишини ташкиллаштиради, ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимларини ўрнатилган тартибда малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга юборади;

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига ўрнатилган тартибда Марказ ходимларига махсус унвонлар бериш, уларни рағбатлантириш, шу жумладан тақдирлаш, уларга нисбатан интизомий жазолар қўллаш ҳақида таклифлар киритади;

Марказ ходимларини ўрнатилган тартибда хизмат сафарларига юборади;

ўз ваколатлари доирасида Марказ ходимларига таътил беради;

ўрнатилган тартибда Марказда сафарбарлик тайёргарлигини таъминлайди ва ташкил этади, шунингдек Марказда фуқаро муҳофазаси тадбирлари бажарилишини таъминлайди;

эксперт-криминалистика бўлинмаларида махфийлик тартиботига риоя этилишини ташкил этишга, шу жумладан маълумотларнинг техник хавфсизлиги бўйича тадбирлар ўтказилишига жавоб беради;

ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолиятини бевосита ёки ўзининг ўринбосарлари орқали назорат қилади;

ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимларининг хатти-ҳаракатлари қонунийлигини, шунингдек ходимлар томонидан ҳар бир аниқланган қонунийлик ва хизмат интизومي бузилиши ҳолатларини ўрнатилган тартибда текширилишини таъминлайди;

ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмаларининг штатлар сонини қайта тақсимлаш тўғрисида таклифлар киритади;

Марказ ваколатига кирадиган бошқа вазифаларни амалга оширади.

12. Марказ бошлиғи йўқлигида унинг ваколатлари биринчи ўринбосар томонидан амалга оширилади.

13. Марказ ходимлари Марказ бошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, сафдорлар таркиби бундан мустасно.

14. Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси эксперт-криминалистика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ички ишлар бошқармалари эксперт-криминалистика бўлимлари бошлиқлари Марказ бош-

лиғи билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси эксперт-криминалистика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ички ишлар бошқармалари эксперт-криминалистика бўлимлари ходимлари Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси эксперт-криминалистика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ички ишлар бошқармалари эксперт-криминалистика бўлимлари бошлиқларининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

15. Туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг), транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларининг эксперт-криминалистика бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари) бошлиқлари Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси эксперт-криминалистика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ички ишлар бошқармалари эксперт-криминалистика бўлимлари бошлиқларининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг), транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларининг эксперт-криминалистика бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари) ходимлари туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари бошлиқларининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

16. Иш юритиш ва махфийлик тартиботи бўйича тадбирлар Марказ томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

17. Эксперт-криминалистика бўлинмаларини криминалистик техника ва бошқа моддий-техник воситалар ҳамда ускуналар билан жиҳозлаш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.